

КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎРТАПИШАР УЛЬТРА НАВИННИНГ ХОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТ КУРСАТГИЧЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЁРИНИ ТАЬСИРИ

Юлдашалиева Наргиза Мавлонжоновна

Ўсимликлар физиологияси биокимёси ва сифат анализи лабораторияси мудири

Аннотация: Иқлим шароитлари ушибу худудда қишилоқ хўжалик экинлари, жумладан бугдой парвариши учун қулай келади, аммо бугдойнинг гуллаши ва бошоқда доннинг тўлиши ва сут пишиши фазаларида куннинг кескин исиб кетиши бугдой хосилдорлигига ва сифатига маълум миқдорда салбий таъсир кўрсатади. Кунлик ҳаво хароратининг исиб кетиши купроқ ўрта кечки ва кечки навларнинг хосилдорлигига ҳамда сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: $N_{60}P_{60}K_{60}$, гидрометеорология, доннинг тўлиши ва сут пишиши фазалари, тупроқларида ҳосилдорлик, юқори меъёр, экиши ме ёри

Аннотация: Климатические условия благоприятны для выращивания сельскохозяйственных культур в этом районе, в том числе пшеницы, но резкое потепление дней в фазах цветения пшеницы и созревания зерна в початках и молоке оказывает определенное негативное влияние на урожайность и качество пшеницы. Потепление суточной температуры воздуха отрицательно сказывается на урожайности, а также на качестве клубней среднепоздних и позднепоздних сортов.

Ключевые слова: $N_{60}P_{60}K_{60}$, гидрометеорология, фазы налива зерна и созревания молока, плодородие почвы, высокий стандарт, стандарт посева

Annotation: Climatic conditions are favorable for growing crops in the area, including wheat, but the sharp warming of the days during the phases of wheat flowering and grain maturation in cobs and milk has a certain negative impact on the yield and quality of wheat. The warming of the daily air temperature has a negative effect on yields, as well as on the quality of tubers of medium-late and late-late varieties.

Key words: $N_{60}P_{60}K_{60}$, hydrometeorology, grain filling and milk ripening phases, soil fertility, high standard, planting standard

Буғдой ер юзида энг кўп тарқалган ва қадимий экин. Археологларнинг маълумотларида Кичик Осиёда буғдой 8000 йил олдин ўтроқ яшайдиган аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти бўлганлигидан дарак беради. Ироқ, Миср, Хитой, Шимолий Месопотамияда қадимдан буғдой етиштирилиб келинади. Марказий Осиёда буғдой эрамиздан олдинги неолит (VII мингинчи йилларда) давридан бошлаб экила бошланган. Бу давр Жайхун дехқончилик маданияти номи билан маълум (В.Я. Массон, 1971). Эрамиздан олдин VII-V минг йилларда Копетдог тизмалари тармоқларида ва Қорақум барҳанлари ўртасидаги текисликларда бошоқли дон экинлари, шу жумладан, буғдой фақат атмосфера ёғингарчиликларидан фойдаланиб, сунъий сугоришсиз ўстирилган. Амударёнинг қуи қисми, Фарғона ва Ҳисор водийлари, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Вахш

ҳавзаларининг унумдор ерларида эрамиздан олдин II мингинчи йилларда мураккаб ирригация каналлари тизимларига эга юксак ривожланган сугориладиган дехқончилик маданияти мавжуд бўлган ва шу асосда буғдой етиширилган бошқа муаллифлар таъкидлашича, кузги буғдойда гуматли стимуляторлар билан минерал ўғитларни бирга кўллашни тавсия қилишади. Буғдой дунё ахолисининг озиқ-овқат учун ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун энг зарур бўлган қишлоқ хўжалик экини ҳисобланади. Етиширилаётган буғдойнинг 75% озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида, 15 % чорва учун, 10 % уруғлик мақсадида ишлатилади.

Ер юзида ахоли сонининг ортиб бориши пировардида дон маҳсулотлари миқдорига, балки уларнинг сифат кўрсаткичларига ҳам катта ахамият берилмоқда. Бунинг натижасида, ҳосилдор ва донининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган буғдой навларини яратишга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Олимларнинг ўрганишича микроэлементли стимуляторлар билан обработка қилинганда $N_{60}P_{60}K_{60}$ ва $N_{90}P_{90}K_{90}$ кг/га фонларида сур ўрмон тупроқларида ҳосилдорлик 8% ошганини, юқори меъёрда $N_{120}P_{120}K_{120}$ кг/га эса стимуляторлар таъсири камайганини кузатишган [2]. “Ғўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга биринчи йилда 10 т/га гўнг ғўзага ва 3 йилда 10 т/га кузги буғдойга қўлланилганда ўртacha пахта ҳосили 37,7 ц/га ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар берилган вариантга нисбатан қўшимча 4,2 ц/га, кузги буғдойнинг дон ҳосили эса 64,1 ц/га. ни ташкил этиб, қўшимча 7,9 ц/га ҳосил олиниши, 3 йил охирида тупроқда гумус ва азотнингҳамда “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азотнинг ижобий мувозанатига эришилиши исботланган.

Республикамизнинг ҳар бир минтақасининг тупроқ-икълим шароити учун мос бўлган навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳимдир. Бунинг учун дунё генофонди намуналари билан бирга маҳаллий навлардан фойдаланган ҳолда кузги буғдойнинг занг касалликларига, қурғоқчиликка, шўрга, заракунандаларга чидамли, оқсил миқдори ва клейковина кўрсаткичи юқори дурагай авлодларни яратиш зарур.

Р. Сиддиқовнинг келтириб ўтишича, айни вақтда институтда хорижий давлатларнинг илмий тадқиқот институтларидан бошоқли дон экинларининг географик келиб чиқиши ва биологик-хўжалик белгилари бир-биридан фарқ қиласидиган 5500 дан ортиқ дунё генофонди коллекцияси нав ва намуналари тўпланди. Улар келажакда ҳар томонлама ўрганилиб, энг яхши сифат кўрсаткичларига эга бўлганлари селекцияда бошланғич материал сифатида фойдаланилади. [1].

Р. Сиддиқовнинг маълумотларига кўра, республикада экилаётган ғалла майдонларининг 60 фоиздан кўпроғи хорижий навлар 40 фоизга яқини маҳаллий навлар ҳисобига тўғри келмоқда. [2].

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида россиялик олимлар билан ҳамкорлиқда буғдойнинг “Ультра” номли эрта пишар нави яратилган. Ушбу нав Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази тасарруфидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида россиялик олимлар билан ҳамкорлиқда

яратиган янги инновацион навнинг ҳосилдорлиги гектарига 85 центнерни ташкил қиласи. Дон технологик сифат кўрсаткичлари юқорилиги I-гурух кучли буғдой синфида мансуб. Мухими, буғдой жуда эрта пишади. Бошқа навларнинг бошоғи май ойининг сўнгги 10 кунлигига эндиғина сарғая бошлагандага янги “Ультра” нави тўлиқ пишиб етилади. Суғориш 1-2 марта гектарига қисқариши ҳисобига гектарига 750-1500 кубометр сув иқтисод қилинади. Тез етилиши бегона ўтлар ва зара ркунандаларга қарши қўлланиладиган кимёвий воситалар учун харажатлар тежалади. Ўримдан сўнг тақорий экин сифатида экиладиган соя, кунгабоқар, маккажӯхори ва бошқа экинлар тўлиқ пишиб улгуради. Бунинг эвазига ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Бу ўз навбатида ердан бир йилда икки марта ҳосил олиш имконини беради. Тақорий экин сифатида дуккакли экинлар экилиши туфайли тупроқда соф ҳолдаги 50-60 килограмм биологик азот тўпланади. Бу эса тупроқ унумдорлиги ортиб, агрофизик ва агрокимёвий хоссалари яхшиланишига сабаб бўлади[3].

Тажрибалар ўтказиладиган майдон Андижон вилояти Андижон туманида жойлашган бўлиб, ҳавонинг ўртacha нисбий намлиги 67-68 фоизни, қишида эса бу кўрсаткич 75-80 фоизни ташкил этади. Экиш муддати ва меъри оби-ҳаво шароитига боғлиқ бўлади.

Андижон вилояти Андижон туманида жойлашган бўлиб, ҳавонинг ўртacha нисбий намлиги 67-68 фоизни, қишида эса бу кўрсаткич 75-80 фоизни ташкил этади.

1-жадвал

Андижон гидрометеорология бош бошқармаси маълумоти

Йиллар	Ойлар												Йиллик ўртacha
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Ҳавонинг суткалик ўртacha ҳарорати, °C													
2021	-2,0	4,6	10,5	16,5	21,5	25,8	26,9	25,6	21,2	13,5	5,0	1,1	14,2
2022	0,2	-4,8	8,4	15,3	23,1	25,3	26,5	25,6	20,7	15,0	8,7	2,3	16,9
2023	-8,1	-4,5	7,8	16,5	21,5	26,0	28,0						9,7
Ёғингарчилик миқдори, мм													
2021	7,3	13,0	33,4	20,8	11,5	12,5	7,6	6,5	2,2	3,1	0	15,1	133,0
2022	24,9	34,9	15,6	21,7	1,5	8,5	0	0	1,8	5,6	8,5	18,2	141,2
2023	15,6	24,3	30,4	18,8	30,5	0	0						119,6

Иқлими ўзгарувчан континентал бўлиб, январ-феврал ойиларида ўртacha ҳарорати 5-6 °C ни ташкил этса, ёзи мўътадил келади, энг иссиқ ойи июлда ўртacha ҳарорат +28,2-32,5 °C бўлади. Ёғингарчилик йил давомида кам бўлиб, унинг асосий қисми (70-80 %) қиши баҳор ойларига тўғри келади.

Иқлим шароитлари ушбу худудда қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан буғдой парвариши учун қулай келади, аммо буғдойнинг гуллаш ва бошоқда доннинг тўлиш ва сут пишиш фазаларида куннинг кескин исиб кетиши буғдой хосилдорлигига ва сифатига маълум миқдорда салбий таъсир кўрсатади. Кунлик ҳово ҳароратининг исиб кетиши купроқ ўрта кечки ва кечки навларнинг хосилдорлигига хамда сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Кўп йиллик маълумотларга кўра асосан бир йиллик ўртacha ёғин миқдори 257,9-388,9 мм + 10 °C дан юқори бўлган кунларнинг давомийлиги 210-215 кунни ташкил қилиб, фойдали ҳароратлар йигиндиси 2800-3100 °C ни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, иқлим шароитлари вилоятда қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан буғдой парвариши учун қулай худуд хисобланади, аммо эрта баҳорда ёғингарчиликни кўп бўлган йиллари бегона ўтларни кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Ва бу эса эиш ме рига ҳам салбий таъсир кўсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сиддиқов Р. Бошоқли дон экинларини бирламчи уруғчилиги ва уруғчилик тизимини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш ва жорий этиш// “Ўзбекистон Республикасида бошоқли, дуккакли дон экинлари янги навларнинг истиқболлари, четдан келтирилган янги навлар интродукцияси ва замонавий ресурстежамкор етиштириш агротехнологиялари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Андижон 2019. 5-19 б.

2. Сиддиқов Р. Бошоқли дон экинларини бирламчи уруғчилиги ва уруғчилик тизимини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш ва жорий этиш// “Ўзбекистон Республикасида бошоқли, дуккакли дон экинлари янги навларнинг истиқболлари, четдан келтирилган янги навлар интродукцияси ва замонавий ресурстежамкор етиштириш агротехнологиялари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Андижон. 2019. 5-19 б.

3. <https://uza.uz/posts/490336>

4. <https://xs.uz/uzkr/post/andizhonda-bugdojning-ertapishar-navi-yaratildi>